

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТ

ҚУРБОНОВ НАЗАРБЕК БАХРОНОВИЧ

**COVID – 19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН КЕКСА ЁШДАГИ
БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
ҲАСТАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.43.-Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қурбонов Назарбек Бахронович

COVID - 19 билан касалланган кекса ёшдаги беморларда сурункали
юррак етишмовчилиги ҳасталигининг ўзига хос кечиш
хусусиятлари..... 3

Қурбонов Назарбек Бахронович

Особенности течения хронической сердечной недостаточности у
пожилых пациентов с Covid-19..... 27

Kurbonov Nazarbek Bakhronovich

Features of the course of chronic heart failure in elderly patients with
Covid-19..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТ

ҚУРБОНОВ НАЗАРБЕК БАХРОНОВИЧ

**COVID – 19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН КЕКСА ЁШДАГИ
БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
ҲАСТАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.43.-Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib4366 рақам билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон республикаси куролли кучлар ҳарбий тиббиёт академияси ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш вебсаҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziynet.uz) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулабоева Гавхар Мирокборовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Фозилов Абдуқаҳҳор Воҳидович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирсайдуллаев Мирмахмуд Мирсаидович
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/.30.11.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Ю.Маматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
биокимё фанлари доктори, профессор

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.С. Хакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда COVID-19 ни бошдан кечирган кекса ёшдаги беморларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) муаммоси тиббиёт ва ижтимоий соҳаларда долзарб ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, СЮЕ ёш ўтиши билан кўпайиб бораверади, пандемия эса бу касалликнинг кечишига жиддий таъсир кўрсатди, айниқса кекса ёшдаги шахсларда. Бу вируснинг экспоненциал ўсиши, юқори юқумлилиги, вирулентлиги, ўлим даражаси ва махсус даволаш усулларининг мавжуд эмаслиги туфайли 2020 йил 11 март куни ЖССТ томонидан “Covid-19 пандемияси.....”¹ эълон қилинди. Дастлабки таҳлиллар гипертония, юрак-қон томир касалликлари ёки қандли диабет билан касалланган кекса одамларнинг SARS-CoV-2 вируси билан юқиши эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатди. Оғир Covid-19 билан касалланган беморларнинг 58 фоизида гипертония, 44 фоизида юрак аритмияси ва 25 фоизида юрак ишемик касаллиги борлиги клиник тадқиқотларда аниқланган. Миллий соғлиқни сақлаш хизмати (МССХ)нинг статистик маълумотларига кўра, SARS-CoV-2 инфекцияси бўлган беморларнинг 35 фоизида гипертония, 17 фоизида эса юрак ишемик касаллиги (ЮИК) мавжуд бўлган. Шунингдек, 60 ёшдан ошган беморларда юқори тизимли асоратлар ва оғирроқ пневмония кузатилгани маълум қилинган.

COVID-19 билан касалланган кекса ёшдаги беморларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўйича илмий тадқиқотлар айти пайтда қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда. Пандемия давомида юрак-қон томир тизимига COVID-19 нинг салбий таъсири ва унинг кекса ёшдаги беморларда сурункали касалликларни кучайтирувчи омил сифатидаги ўрни ўрганилмоқда. COVID-19 ни бошдан кечирган беморларда СЮЕнинг ўзига хос клиник белгиларини аниқлаш, унинг турлари ва кечишига таъсир қилувчи эпидемиологик ва патофизиологик омиллар тадқиқ қилинмоқда. Пандемиядан кейинги даврда СЮЕга эга бўлган беморлар учун инновацион даволаш усуллари ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган шахсий ёндашувларни ишлаб чиқиш ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда COVID-19 ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) билан оғриган кекса ёшдаги беморларнинг саломатлигини яхшилаш ва уларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан: Кекса ёшдаги беморларнинг саломатлигини назорат қилиш учун кардиология ва терапия бўйича ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда даволаш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги тиббий тадқиқот муассасалари COVID-19 нинг сурункали юрак етишмовчилигига таъсирини ўрганиш, касалликнинг эпидемиологик хусусиятларини таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос патогенезини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Кардиология, пульмонология ва терапия йўналишида фаолият

¹ ESC European Society of Cardiology. ESC guidance for the diagnosis and management of CV disease during the COVID-19 pandemic. Available at: <https://www.escardio.org/Education/COVID-19-and-Cardiology/ESC-COVID19-Guidance>

юритувчи тиббий ходимлар учун COVID-19 оқибатларини даволаш бўйича махсус ўқув курслари ва семинарлар ташкил қилинмоқда. СЮЕни эрта аниқлаш, касалликнинг оғирлашишини олдини олиш ҳамда COVID-19 билан оғриган беморлар учун реабилитация дастурлари жорий қилинмоқда. Айниқса, вакцинация орқали кекса ёшдаги беморларнинг хавф омилларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар», 2022 йил 26 январдаги ПҚ–103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тайёрланган диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. Тиббиёт ва фармакология соҳасидаги устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар СЮЕ нинг ривожланиши, диагностикаси ва уни даволаш муаммолари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган, аммо унга Covid-19 йўлдош бўлиб келган ҳолда патогенетик жараёнларнинг ҳамда даволаш стандартларининг ўзига хос хусусиятлари кам ўрганилган. Қатор тадқиқотлар Covid-19 нинг юрак-қон томир тизимига таъсири ва унинг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (R.B.Azevedo, J.V.G.Holland, 2021; Ю.В.Вахненко, 2021) . СЮЕ нинг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозиди муҳим омил бўлган нейрогуморал омилларни баҳолаш, даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (А.А.Инамдар, 2017; Г.П.Арутюнов, 2019). А.М. South., D.I Diz. (2020) , A.R.Bourgonje., J.L. Hillebrands (2020) каби олимлар Covid-19 ва СЮЕ билан касалланган беморларда бевосита ва билвосита эндотелий хужайраларининг шикастланиши, ренин-ангиотензин-адъостерон тизими фаоллиги ошишига, касалликни кечишининг зўрайишига олиб келади ҳамда нохуш прогнозларнинг ривожланиш хавфини кучайтиради, деб кўрсатдилар. Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда Covid-19 ва СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси биомаркерлари, ренин-ангиотензин-альдостерон тизими гормонлари миқдорининг ортиши, ўлим хавфи ва нохуш прогнознинг кўпайишини муаллиф S.L Cooper 2021 йилда ва E.Boyle 2021 йилда тасдиқлаб бердилар. R.M. Barker-Davies, O.O'Sullivan, K.P. Senaratne ва бошқалар, 2020 йилда COVID-19 бошидан ўтказган беморларни тиклантириш бўйича шифокорлар ва соғлиқни

сақлаш мутахассислари учун муносиб, хавфсиз ҳамда самарали реабилитация дастурларини ишлаб чиқишда ёрдам берадиган умумий тавсиялар ва кўрсатмаларни хавола этдилар. С. Boutoleau-Bretonniere, Н.Pouclet-Courtemanche, А.Gillet, ва бошқалар COVID-19 пандемияси даврида жорий этилган қатъий карантин чоралари Альцгеймер касаллиги бўлган беморларда невропсихиатрик симптомларга сезиларли салбий таъсир кўрсатган ва бу заиф гуруҳ учун қўшимча қўллаб-қувватлаш ва реабилитация чоралари зарурлигини таъкидлаган.

2019 йилда Ю.Н.Беленков ва 2021 йилда К.А. Young томонидан СЮЕ ни даволашнинг замонавий тамойилларида касаллик асоратлари ва нохуш прогнознинг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув зарурати асослаб берилган. Н.П. Митьковская., И.А. Карпов., Арутюнов Г.П ва бошқалар (2020) COVID-19ни даволаш ва олдини олишда турли мутахассисликлар ҳамкорлигининг аҳамияти, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш зарурлиги, шунингдек, айниқса, кардиология ва юрак-қон томир хатарларини ҳисобга олган ҳолда пандемияни назорат қилиш бўйича чораларни ҳамоҳанг ташкил этиш муҳимлиги борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. В.Н.Ларина, М.Г. Головкин, В.Г. Ларин SARS-CoV-2 вируси қандай қилиб юрак ва қон томирларига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги асосий механизмларни таҳлил қилди. Муаллифлар қуйидаги масалаларга эътибор қаратадилар: вирус юрак-қон томир тизими хужайраларига қандай кириб боради, ангиотензин айланттирувчи фермент 2 (ACE2) нинг вирус кириши ва асоратлар ривожланишидаги роли, миокардит, аритмиялар, тромбоземболик асоратлар, мавжуд юрак-қон томир касалликларининг кучайиши, юрак-қон томир тизимининг сурункали касалликларига эга беморлар, кексалар ва ҳамроҳ касалликларга эга шахслар, COVID-19 билан зарарланган юрак-қон томир патологияларига эга беморларни даволаш бўйича тавсиялар, барвақт ташхис қўйиш ва дори воситаларини вақтида қўллаш аҳамияти.

Ўзбекистонда СЮЕ ривожланишида ва патогенезида бир қатор нейрогуморал омилларни ташхислашнинг юрак-қон томир касалликлари шаклланишидаги ролини аниқлашга қаратилган Р.Д. Курбанов ва Т.А. Абдуллаев (2019) ларнинг бир қатор илмий изланишлари мавжуд. Шунинг баробарида У.К.Камилова (2021) томонидан СЮЕ туфайли келиб чиқадиган юрак-қон томир ремоделлашув жараёнларининг ўзига хосликлари баҳоланган, бироқ Covid-19 ни ўтказган СЮЕ билан ҳасталанган беморларда касалликнинг ривожланишининг ўзига хослиги борасида ишлар олиб борилмаган. Юрак-қон томир хасталиклари ва Covid-19 нинг патогенези, диагностикаси ва даволаш бўйича илмий изланишлар ҳозирги кунда озчиликни ташкил этади. Бу нафақат дунёда, балки Ўзбекистонда ҳам ушбу муаммони ўрганиш долзарблигидан далолат беради. Муаллиф А.Н. Рахимов СЮЕ ва Covid-19 билан ҳасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг клиник-прогностик жиҳатлари борасида илмий тадқиқотни якунлади. Ўзбекистон шароитида З.М.Мухамедова ва бошқалар вирус пандемиясини ва асоратларининг

профилактикасида вакцинанинг аҳамияти борасида хорижий тадқиқотларга асосланган ҳолда илмий изланишлар асосида керакли тавсияларни берди, айниқса, геронтологик ёшдаги беморларга эътиборли бўлиш кўрсатиб ўтилди. Х.А. Расулова Covid-19 билан зарарланиш натижасида бир қатор неврологик ўзгаришлар келиб чиқишини ўз тадқиқотида асослаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий-тиббий академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Қуролли кучлар тизимида профилактик чора-тадбирларни янада жадаллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: СЮЕ ва Covid-19 билан оғриган кекса ёшли беморларда юрак-қон томир касалликлари асоратларининг профилактикасини самарадорлигини таҳлил қилиш ва асоратларни олдини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган беморларнинг клиник-гемодинамик кўрсаткичларини, ҳаёт сифати, клиник ҳолати ва миокарднинг жисмоний зўриқишга чидамлилигини ва 12 ойдан сўнгги ҳолатларни баҳолаш орқали беморларнинг динамикасини таҳлил қилиш;

Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган беморларда бирламчи ва 12 ойдан кейинги лаборатор ва инструментал текширув усулларининг натижаларини қиёсий аниқлаш;

СЮЕ ва covid-19 билан оғриган беморларда юрак-қон томир касалликларини профилактика қилишда фармакотерапия ҳолатини баҳолаш;

СЮЕ ва covid-19 билан оғриган беморларда касалликнинг якуний нуқталарини аниқлаш;

юрак етишмовчилиги ва вирус инфекцияси билан оғриган беморларда асоратларни профилактика қилиш мақсадида самарали бошқарув методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида касаллик тарихида Covid-19 билан зарарланиш қайд этилган СЮЕ нинг II ҳамда III функционал синфига мансуб бўлган 103 нафар бемор танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қондаги биокимёвий текширувлар (қондаги липидлар, мочевина, креатинин, фибриноген миқдори ва эндотелиал маркерлари), беморларнинг ҳаёт сифати, миокарднинг физик зўриқишга чидамлилиги, клиник ҳолати, электрокардиография (ЭКГ) ва эхокардиография (ЭХОКГ) кўрсаткичлари натижалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида умумий клиник, биокимёвий, инструментал (УТТ, электрокардиография (ЭКГ) ва эхокардиография (ЭХОКГ)) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор клиник-гемодинамик кўрсаткичлар, ҳаёт сифати, клиник ҳолати

ва миокарднинг жисмоний зўриқишга чидамлилиги ҳамда 12 ойлик кузатув натижалари динамикаси асосланган;

беморларда юрак фаолиятининг тикланиши ва асоратларнинг ривожланиш хусусиятлари бўйича янги маълумотларни Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган кекса ёшли беморларда чап қоринчанинг диастолик функция кўрсаткичлари вирус қайд этилмаган беморларга нисбатан юқори даражада эканлиги ва профилактикасида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги исботланган;

COVID-19 ва СЮЕ билан оғриган беморларда бирламчи ва 12 ойдан кейинги лаборатор ва инструментал текширув натижалари илк марта қиёсий баҳоланган ва бу асосида касалликнинг кечиши ва даволаш жараёнининг самарадорлигини прогностлаш учун янги қиёсий параметрлари аниқланган;

COVID-19 ва СЮЕ билан оғриган беморларда юрак-қон томир касалликларини профилактика қилиш учун замонавий фармакотерапевтик препаратларнинг самарадорлиги илмий асосланган ҳолда баҳоланган ва ушбу тадқиқот даволашда индивидуал ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тўғри талқин қилиш, СЮЕ ва Covid - 19 билан оғриган кекса ёшдаги беморларда жиддий асоратлардан ўлим кўрсаткичини, ногиронлик даражасини, такрорий шифохоналарга ётқизилиш кўрсаткичларини камайтиришини исботланган;

айни шу гуруҳ беморларда ковиддан кейинги босқичда СЮЕ ва Covid-19 га чалинган беморларни унумли ва мақсадли даволашда катта аҳамияти аниқланган;

COVID-19 ва СЮЕ билан оғриган беморларда касалликнинг якуний эпидемиологик ва клиник нуқталари (ўлим, қайта шифохонага ётқизиш, асоратлар ривожланиши) илк марта комплекс равишда таҳлил қилинди. Бу омиллар асосида касалликнинг прогрессив кечишини олдини олиш учун мақсадли профилактика усуллари ишлаб чиқилган;

COVID-19 ва СЮЕ билан оғриган беморларда асоратларни профилактика қилиш ва уларни самарали бошқариш бўйича инновацион методика ишлаб чиқилган ва ушбу методика асосида беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши ва касалликни бошқариш самарадорлиги ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган изланишларнинг услубий жиҳатдан аниқлиги, беморлар сонининг етарлилиги, замонавий текширув усулларида фойдаланилгани, уларга клиник, биокимёвий ва статистик таҳлиллар ёрдамида ишлов берилгани асос сифатида келтирилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий изланишлар билан қиёсий таҳлил қилинган, олинган хулосалар ва натижалар тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан ўз долзарблигини ва ишончлилигини асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки мамлакатимизда Covid-

19ни бошидан кечирган ва СЮЕ билан хасталанган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш, эндотелиал дисфункция биомаркерларидаги ўзгаришларнинг клиник ва функционал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолашга қаратилганлиги ва мазкур чора-тадбирлар кекса ёшдаги беморларнинг саломатлигини яхшилаш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва COVID-19 билан боғлиқ асоратларни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки постковид даврида СЮЕ ни кучайтирувчи омилларни аниқлаш ва қайта касалхонага ётқизилиш ҳамда ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган профилактика стратегияларини жорий этиш асосий йўналишлардан бири бўлиб ва Covid-19 инфекцияси билан оғриган ва СЮЕ мавжуд бўлган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш, башорат қилиш ва профилактика тамойилларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчили ва вирус билан зарарланиш кузатилган беморларда юрак қон томир хасталиклари асоратларини профилактикаси борасида олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган кекса ёшли беморларда эндотелиал дисфункция, яллиғланиш ва дислипидемия жараёнлари вирус қайд этилмаган беморларга нисбатан кескин ўзгаришларга учраган бўлиб, ушбу ўзгаришлар СЮЕнинг функционал синфлари ўсиши билан янада яққол намоён бўлгани аниқланганлиги ушбу хулосалар асосида ишлаб чиқилган таклифлар Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги №49-оилавий поликлиникада жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08- сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган кекса ёшли беморларни мунтазам текширувдан ўтказиб бориш орқали уларнинг ҳаёт сифати ва миокарднинг жисмоний юкламага чидамлилигини яхшилаш имкони яратди. *Иқтисодий самарадорлиги:* амбулатор шароитда клиник ҳолатни яхшилаш ҳисобига даволаш харажатлари камайиб, давлат бюджети маблағлари иқтисод қилинади; *Хулоса:* СЮЭ ва Covid-19 билан ўғриган кекса ёшдаги беморларда жиддий асоратлардан ўлим кўрсаткичини, ногиронлик даражасини такрорий шифохоналарга ётқизилиш кўрсаткичларини камайтиришга ёрдам беради. Айни шу гуруҳ беморларда Covidдан кейинги босқичда СЮЭ ва Covid-19 га чалинган беморларни унумли ва мақсадли даволаш катта аҳамият касб этиши аниқланди.

иккинчи илмий янгилик: Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган кекса ёшли беморларда чап қоринчанинг диастолик функция кўрсаткичлари вирус қайд этилмаган беморларга нисбатан юқори даражада эканлиги ва профилактикасида муҳим аҳамиятга эга бўлган фармакотерапияда жиддий камчиликларга йўл қўйилган ўзгаришлар эса СЮЕнинг функционал синфлари ортган сари янада яққол намоён бўлиши илмий жиҳатдан исботланди. Шу хулосалар асосида ишлаб чиқилган таклифлар Тошкент шаҳри Юнусобод

туманидаги №50-оилавий поликлиникада амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган кекса ёшли беморларда асоратларнинг олдини олиш мақсадида инструментал ҳамда лаборатория текширувлари назорат қилиб борилишини йўлга қўйиш имконияти яратилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* амбулатор шароитда жиддий текширув натижаларини ўз вақтида аниқлаб, коррекциялаш орқали даволаш билан боғлиқ харажатлар қисқартирилади; *Хулоса:* СЮЭ ва Сovid-19 билан ўғриган кекса ёшдаги беморларда жиддий асоратлардан ўлим кўрсатгичини, ногиронлик даражасини такрорий шифохоналарга ётқизилиш кўрсатгичларини камайтиришга ёрдам беради. Айни шу гуруҳ беморларда Covidдан кейинги босқичда СЮЭ ва Covid-19 га чалинган беморларни унумли ва мақсадли даволаш катта аҳамият касб этиши аниқланди.

учинчи илмий янгилик: 12 ойдан кейинги такрорий кузатувларда, Covid-19 ва СЮЕ билан оғриган кекса ёшли беморларда ўлим ҳолатлари, шифохонага ётқизилиш ҳолатлари ва шифокорга мурожаат қилиш кўрсаткичлари вирус қайд этилмаган беморларга нисбатан ишонарли даражада юқори эканлиги исботланганлиги мазкур хулосалардан келиб чиққан таклифлар Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги №49-оилавий поликлиникада жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* кекса ёшли беморларда СЮЕ ташхиси қайд этилганда ЭХОКГ (эхокардиография) текширувини тизимли назорат қилиш имконияти яратилди, бу эса беморларда касалликни эрта аниқлаш ва асоратларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этди. *Иқтисодий самарадорлиги:* амбулатор шароитда мунтазам ЭХОКГ текшируви орқали касалликни оғирлашувини камайтириш натижасида бюджет маблағлари тежалиши таъминланади; *Хулоса:* СЮЭ ва Сovid-19 билан ўғриган кекса ёшдаги беморларда жиддий асоратлардан ўлим кўрсатгичини, ногиронлик даражасини такрорий шифохоналарга ётқизилиш кўрсатгичларини камайтиришга ёрдам беради. Айни шу гуруҳ беморларда Covidдан кейинги босқичда СЮЭ ва Covid-19 га чалинган беморларни унумли ва мақсадли даволаш катта аҳамият касб этиши аниқланди.

тўртинчи илмий янгилик: асоратларни профилактика қилиш мақсадида самарали бошқарув алгоритми такомиллаштирилган ҳамда ўзининг тиббий ва иқтисодий самарадорлиги исботлангани асосида ишлаб чиқилган тавсиялар Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги №49 ва №50-оилавий поликлиникаларда татбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги :* СЮЕ жадаллашуви ва асоратларида муҳим роль ўйнайдиган хавф омилларини бартараф этиш, фармакотерапияни такомиллаштириш имкони яратилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* амбулатор шароитда хавф омилларини йўқ қилиш ва тўғри фармакотерапияни танлаш орқали давлат бюджети маблағлари тежалди, масалан беморларнинг такрорий шифохоналарга ётқизилиш кўрсатгичлари камайиши билан 780 000 сўм, шифохонада қолиш кунлари қисқариши билан 420 000 сўм, амбулатор шароитида шифокорларга мурожаати камайиш билан 210 000 сўм тежалган; *Хулоса:* СЮЭ ва Сovid-19 билан ўғриган кекса ёшдаги беморларда жиддий асоратлардан ўлим

кўрсатгичини, ногиронлик даражасини такрорий шифохоналарга ётқизилиш кўрсатгичларини камайтиришга ёрдам беради. Айни шу гуруҳ беморларда Covidдан кейинги босқичда СЮЭ ва Covid-19 га чалинган беморларни унумли ва мақсадли даволаш катта аҳамият касб этиши аниқланди.

Н.Б.Қурбоновнинг «**“Сурункали юрак етишмовчилиги ва Совид-19 асоратларини профилактикасининг самарадорлиги”**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика Мудофаа вазирлигининг 2024-йилдаги 6 - апрелдаги 25-й/062 -сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, биттаси халқаро илмий журналларда, 4 таси маҳаллий журналларда, тезислар 6 та, 2 таси халқаро илмий журналларда, 4 таси маҳаллий журналларда, ва 1 та услубий тавсиянома таёрланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети кўрсатиб берилган, республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилигининг эпидемиологияси, диагностикаси, клиникаси, таснифига замонавий назар (адабиётлар шарҳи)»** мавзусидаги биринчи бобида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг юрак-қон томир касалликлари хавф омиллари, юрак-қон томир тизими касалликлари тарқалганлиги, постCovid даврда улар кечишининг ўзига хослиги, ушбу патологиянинг олдини олиш ва бу масалаларда тиббиёт ҳодимларининг ўрни, даволашга замонавий қарашларни ўзида жамлаган адабиётларни ўрганиш таҳлили тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий характеристикаси ва тадқиқот методикаси»** деб номланган иккинчи бобида клиник

материалнинг умумий тавсифи, беморларнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари, ҳамда олинган натижаларни статистик қайта ишлаш маълумотлари келтирилган.


Шифохонага ётқизилган 400 та беморни касаллик тарихи таҳлил қилинди, шулардан тадқиқотга II ва III функционал синфга (ФС) мансуб бўлган СЮЕ билан ҳасталанган 103 нафар бемор киритилган. Барча тадқиқотлар Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида жойлашган 7-шаҳар шифохонасида олиб борилди. Беморларнинг ўртача ёши $69 \pm 5,2$ ни ташкил этди.

Тадқиқотга қўшилиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: СЮЕ ва Covid-19 билан зарарланган беморлар, ёши улуғ беморлар ҳамда текширувга розилик хати берган беморлар. Беморларни ёш мезонлари бўйича тадқиқотга киритиш ЖССТнинг 2016 йилги ёш таснифи асосида амалга оширилди. Истисно мезонлари: текширувга розилик бермаган беморлар, ўрта ёш ва ёш беморлар, ўткир миокард инфаркти (касаллик бошланганидан кейин 30 кун ичида); ўткир цереброваскуляр етишмовчилик (6 ой ичида); ўткир буйрак етишмовчилиги ва жигар етишмовчилиги.

Текширув гуруҳига киритилган барча беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ташхисини тасдиқлаш учун стандарт тадқиқотлар: сўровнома, умумий текширув ва антропометрик маълумотлар ўтказилди. Ўлчовлар стандарт асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилди. Қон босими тадқиқот протоколи ва гипертензия билан оғриган беморларни даволаш бўйича тавсияларга мувофиқ ўлчанди. Беморларни тадқиқот гуруҳига киритиш учун функционал (Нью-Йорк юрак ассоциацияси ((NYHA) таснифидан фойдаланилган. Беморлар Covid-19 мавжуд ёки йўқлигига қараб икки гуруҳга бўлинган; 1-гуруҳ (асосий, $n=52$ бемор), яъни СЮЕ ва Covid-19 қайд этилган беморлар, 2-гуруҳ (назорат, $n=51$ бемор) Covid-19 қайд этилмаган СЮЕ билан касалланган беморлар. СЮЕ билан касалланган беморлар Covidдан кейинги даврда, яъни касалликнинг 30 ва 40 кунлари текширувга жалб этилди. Текширувга жалб этилган беморлар СЮЕ нинг ФС кўра таҳлил қилинди. 1-гуруҳдаги 52 нафар беморни ўз ичига олди, улардан 21 нафариди (40,4%) СЮЕ нинг ФС II ва 31 нафариди (59,6%) ФС III, 2-гуруҳда эса СЮЕ нинг ФС II 22 нафар (43%) ва СЮЕ ФС III 29 нафар (57%) беморда аниқланди. 1 ва 2-гуруҳларда юрак-қон томир касалликлари учун хавф омилларидан артериал гипертензия, ўтказилган миокард инфаркти ва сигарета чекиш етакчилик қилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлар клиник ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш**» номидаги учинчи бобида беморларнинг клиник-гемодинамик ҳолатларига, лаборатор-инструментал текширув усулларига баҳо берилган. Беморларнинг клиник ҳолати клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ёрдамида баҳоланди. Унга кўра, 1-гуруҳ беморларида КХБШ кўрсаткичи $7,1 \pm 3,1$ балл бўлиб, 2-гуруҳ беморларида $5,2 \pm 1,6$ балл ни ташкил этди. 1-гуруҳдаги беморларда ушбу кўрсаткич 2-гуруҳга нисбатан 36% га юқори эканлиги статистик жиҳатдан ишонарли тарзда тасдиқланди ($p < 0,0001$).


6 дақиқали юриш синамаси (6ДЮС) натижаларига кўра, 1-гурух беморлари ўртача 267 ± 98 метр, 2-гурух беморлари эса $334,0 \pm 99,2$ метр йўл босган. Бу кўрсаткич 1-гурухдаги беморларда 2-гурухдагиларга нисбатан 25% га паст эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). СЮЕ бўлган беморларнинг ҳаёт сифати (ҲС) ҳам қониқарсиз даражада эканлиги кузатилди. 1-гурух беморларида ҲС кўрсаткичи ўртача $59,6 \pm 12,4$ балл бўлган бўлса, 2-гурух беморларида $43,0 \pm 11,2$ балл ни ташкил этди. 1-гурухдаги беморларда ҲС 2-гурухдагиларга нисбатан 39% га юқори эканлиги статистик жиҳатдан ишонарли равишда тасдиқланди ($p < 0,0001$) (1-расм). Бу атижалар беморлар гуруҳлари орасидаги фарқни баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва клиник ҳолат, ҳаракат фаолияти ҳамда ҳаёт сифатидаги сезиларли ўзгаришларни тасдиқлайди.



Илова: *** $p < 0,001$, **** $p < 0,0001$ гуруҳлараро ишонарли кўрсаткич

1-расм . Беморлар клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва 6-ДЮС кўрсаткичлари таҳлили (метр, балл)

КҲБШ, ҲС ва 6-ДЮС қийматлари СЮЕ нинг ФСга боғлиқ ҳолда сезиларли даражада ўзгаришларни намоён қилади ($p < 0,001$; $p < 0,0001$). ҲСнинг паст даражада бўлиши, КҲБШнинг қониқарсиз ҳолати ва 6-ДЮСнинг кичик қийматлари, асосан, СЮЕнинг III ФСда қайд этилди. Бу динамика айниқса 1-гурух беморларида аниқ кузатилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, СЮЕга эга ва касаллик тарихида вирус билан зарарланиш ҳолатлари бўлган беморларда ҳаёт сифати, клиник ҳолати ҳамда миокарднинг жисмоний зўриқишга толерантлиги вирус билан зарарланмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлади. Шунингдек, мазкур кўрсаткичлар СЮЕнинг ФСи ўсиши билан янада яққол намоён бўлади.



Илова: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$ гурухлараро фарқ, СТ- синусли тахикардия, БФ- бўлмачалар фибрилляцияси, СБ- синусли брадикардия, ЭКС- экстрасистолия, ГТЧОТҚ- Гис тутамининг чап оёқча тўлиқ қамали, ГТЎОТҚ- Гис тутамининг ўнг оёқча тўлиқ қамали, ҚУТХ- қоринчалар устки тахикардия хуружи

2-расм. Тадқиқот гурухларидаги беморларда ЭКГ кўринишлар (n).

1-гурух беморларида қуйидаги ҳолатлар иккинчи гурух беморларига нисбатан кўпроқ учради: БФ (бўлмачалар фибрилляцияси) 42% ($p < 0,01$), ЭКС (экстрасистолиялар) 47% ($p < 0,01$), ГТЧОТҚ (Гис тутамининг чап оёқчасининг тўлиқ қамалиши) 25% ($p < 0,05$), ҚУТХ (қоринчалар устки тахикардия хуружи) 36,0% ($p < 0,01$) ва АВ-қамал 28,6% ($p < 0,05$). Шунга қарамасдан, СТ (синусли тахикардия) иккинчи гурух беморларида биринчи гурухга нисбатан сезиларли даражада юқори, яъни 59% ($p < 0,01$) кўрсаткичга эга бўлди.

Таҳлил натижаларига кўра, 1-гурухдаги ритм бузилишлари СЮЕнинг функционал синфлари билан яққол боғлиқ эканлиги аниқланди. БФ (бўлмачалар фибрилляцияси) ва ГТЧОТҚ (Гис тутамининг чап оёқчасининг тўлиқ қамалиши) кўринишлари, шунингдек, СТ (синусли тахикардия) ҳолатлари СЮЕнинг функционал синфлари ортиши билан кўпайгани қайд этилди ($p < 0,05$; $p < 0,05$). Ушбу гурухдаги беморлар орасида 12 нафар беморда БФ аниқланди. Улардан 8 нафари (67%) СЮЕнинг III ФСига, қолган 4 нафари (33%) эса II ФСига тўғри келди. БФ ҳолатларининг 5 таси (42%) пароксизмал типга, 7 таси (58%) эса доимий типга мансуб бўлган. Шунингдек, синусли брадикардия 9 та ҳолатда учради, бунда 6 та ҳолат (67%) III ФСга, қолган 3 та ҳолат (33%) II ФСга тегишли эканлиги қайд этилди. 1-гурухда 15 та экстрасистолия ҳолати аниқланди, улардан 8 та (53%) III ФСда, 7 та (47%) эса II ФСда кузатилган. Экстрасистолияларнинг 11 таси (73%) суправентрикуляр,

4 таси (27%) эса қоринча экстрасистоллари сифатида таснифланди. Ўтказувчанлик бузилишлари 9 та ҳолатда ГТЎОТҚ (Гисс тутамининг ўнг оёғчаси тўлиқ қамалиши) кўринишида қайд этилди, бунда 5 та ҳолат (55,5%) III ФСга, қолган 4 та ҳолат (44,4%) II ФСга мансуб бўлган. ГТЧОТҚ кўринишлари 8 та ҳолатда учради, уларнинг 5 таси (62,5%) юрак етишмовчилигининг III ФСига, қолган 3 таси (37,5%) эса II ФСига тўғри келган. 2-гуруҳ беморларида ЭКГ кўринишлари 1-гуруҳ беморларига нисбатан камроқ жиддий тусга эга бўлган, аммо ушбу гуруҳда СТ (синусли тахикардия) учраш частотаси сезиларли даражада юқори бўлган ($p < 0,05$). Дам олиш вақтида юрак уриши тезлиги ўртача 98 зарба/дақиқани ташкил қилган.

ЭКГда дистрофик ўзгаришларни акс эттирадиган вольтаж кўринишининг пасайиши 1-гуруҳдаги 16 нафар (31%) беморда, асосан III ФСга эга бўлган ҳолларда аниқланган. Шунингдек, 2-гуруҳда ҳам шу ҳолат III ФСга эга 6 нафар (12%) беморда қайд этилган. Бу натижалар СЮЕнинг III ФСга эга беморларида ЭКГда жиддийроқ трофик ўзгаришлар пайдо бўлишини тасдиқлайди.

ЭКГ натижалари, шунингдек, ҳар икки гуруҳда чап қоринча гипертрофияси ва СЮЕнинг ФСлари ўртасида ижобий корреляция мавжудлигини кўрсатди. 1-гуруҳда чап қоринча гипертрофияси 17 нафар (33%) беморда қайд этилди, уларнинг тахминан ярмида бу ҳолат II ФС (8 нафар, 47%) ва III ФС (9 нафар, 53%)да кузатилган. 2-гуруҳда эса чап қоринча гипертрофияси 8 нафар беморда қайд этилди, улардан 3 нафари (37,5%) II ФС ва 5 нафари (62,5%) III ФСга тўғри келган. Шундай қилиб, COVID-19 касаллигини бошидан ўтказган ва СЮЕ эга бўлган ёши катта беморларда вирус билан зарарланмаган беморларга нисбатан парасимпатик ва симпатик вегетатив нерв тизимида ўзига хос ўзгаришлар ҳамда етишмовчиликлар яққол намоён бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, СЮЕ ташхиси учун ЭКГда патологик ўзгаришлар мавжудлигининг башорат қиймати юқори эмас. Аммо СЮЕнинг ФСлари билан боғлиқ ЭКГдаги патологик ўзгаришлар йўқлигининг ўзи касаллик прогнозини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Текширилган икки гуруҳда чап қоринчанинг систолик функциясини тавсифловчи кўрсаткичларда деярли барча ҳолларда аниқ ўзгаришлар қайд этилди. СЮЕнинг II ФСга эга беморларда ўзгаришлар, асосан, ўрта даражадаги бузилишлар билан тавсифланса, III ФСга эга беморларда ўзгаришлар сезиларли даражада кучли бўлиб, нормал қийматлардан катта оғишлар қайд этилди.

Шунга қарамасдан, ушбу кўрсаткичлар бўйича 1-гуруҳ беморларида кўпроқ устунлик кузатилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар икки гуруҳда СЮЕнинг II ФС мансуб беморларида чап қоринча отиш фракцияси (ОФ) мос равишда $54,6 \pm 4,2\%$ ва $56 \pm 6,1\%$ ни ташкил этган, бу эса ОФнинг 50%дан юқори эканлигини англатади. Бу ҳолат ушбу гуруҳ беморларида чап қоринчанинг систолик функциясида жиддий негатив ўзгаришлар кузатилмаганини кўрсатади.

Чап қоринча систолик функцияси кўрсаткичлари таҳлили


Кўрсаткичлар	СЮЕ II ФС		СЮЕ III ФС	
	1-гурух	2-гурух	1-гурух	2-гурух
ОДЎ, см	5,5±0,6	5,3±0,6	5,62±0,75	5,6±0,7
ОСЎ, см	3,6±0,6	3,33±0,6	4,8±1,01	4,4±0,8
ОДХ, мл	128±4,9	124±6,4	159,2±10,1****	156±11,2****
ОСХ, мл	58±7,07	53±9,5	80±9,9****	78±9,6****
ОФ, %	54,6±4,2	56±6,1	48,7±5,8***	50±5,3

Илова:*** p< 0,001, ****p< 0,0001 ФС ўртасидаги ишонарли кўрсаткич, ОДХ-охирги диастолик хажм, ОСХ -охирги систолик хажм, ОДЎ-охирги диастолик ўлчов, ОСЎ-охирги систолик ўлчов

СЮЕнинг III ФСга ва Covid-19 ни бошидан ўтказган (1-гурух) беморларда чап қоринчанинг систолик функциясида жиддий ўзгаришлар қайд этилди. Ушбу гуруҳда отиш фракцияси (ОФ) 48,7±5,8% ни ташкил этди, бу СЮЕнинг II ФСга эга беморлардан 12% паст (p<0,001). Шу билан бирга, айнан шу беморларда охирги диастолик хажм (ОДХ) 24,4% (p<0,0001) га ва охирги систолик хажм (ОСХ) 38% (p<0,0001) га юқори кўрсаткичларда кузатилди. Шу каби динамик ўзгаришлар 2-гурух беморларининг II ва III ФС ўртасида ҳам қайд этилди, аммо қиймат жиҳатидан 1-гурух беморларига нисбатан пастроқ даражада бўлди. Хулоса қилиб айтганда, отиш фракцияси (ОФ) кўрсаткичлари бўйича жиддий ўзгаришлар ҳар икки гурух беморларида қайд этилмади. Бу ҳолатнинг сабаби, асосан, текширувга жалб қилинган беморларнинг кўпчилигида СЮЕнинг пайдо бўлишига олиб келган асосий этиологик омиллар – юрак ишемия касаллиги ва артериал гипертензия (АГ)нинг биргаликда учраши билан боғлиқ, деб ҳисоблаш мумкин. Олинган натижаларга кўра, диастолик дисфункциянинг тарқалиш кўрсаткичлари ҳар икки гуруҳда ўртача бир хил қийматларга эга бўлган — мос равишда 22% ва 26% .1-гурух беморларида диастолик кўрсаткичлар СЮЕнинг функционал синфлари (ФС) ўртасида сезиларли фарқни намоён қилмади. Бирок, 1 ва 2-гурух беморларининг СЮЕ III ФСлари ўртасида Е/А муносабати бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжудлиги аниқланди (p<0,0001). Ушбу кўрсаткич СЮЕ III ФС ва Covid-19 ни бошидан ўтказган беморларда, вирус билан зарарланмаган СЮЕ III ФС беморларига нисбатан 11,2% га юқори бўлиб қайд этилган. Шундай қилиб, эхокардиография (ЭХОКГ) натижалари СЮЕнинг функционал синфлари бўйича ҳар икки гурух беморларида ишонарли статистик фарқларни кўрсатди. Шу билан бирга, Covid-19 инфекциясини бошидан ўтказган СЮЕ билан оғриган беморларда ЭХОКГ ўзгаришлари жиддийроқ характерга эга эканлиги алоҳида қайд этилди.

Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) касаллигининг клиник кўриниши қуйидаги белгилардан иборат: ҳолсизлик, нафас қисиши, юрак уришининг тезлашиши, юқори даражада чарчок, оёқларда шишлар, жигарнинг катталлашиши. 3-расмда СЮЕ клиник симптомларининг учраш частотаси таҳлили келтирилган бўлиб, уларнинг тарқалишида сезиларли статистик фарқлар аниқланган.

1 ва 2-гуруҳдаги беморларда СЮЕнинг III ФСга мансубларда энг кенг тарқалган субъектив симптом нафас қисиши бўлиб, бу 1-гуруҳда 90,38% (n=47), 2-гуруҳда эса 80,4% (n=41) ҳолатда кузатилган. 1-гуруҳда нафас қисиши 2-гуруҳга нисбатан 15% юқори бўлган ($p<0,05$). Шунингдек, нафас қисиши симптоми 1-гуруҳдаги СЮЕнинг II ФС билан оғриган беморларда 2-гуруҳга (n=44) нисбатан 37,5% кўпроқ кузатилган ($p<0,01$). СЮЕнинг III ФС билан оғриган 1-гуруҳ беморларида умумий ҳолсизлик (n=44), чарчоқ (n=43) ва йўтал (n=35) каби симптомлар сезиларли даражада кўпроқ қайд этилган. Шу билан бирга, 2-гуруҳда умумий ҳолсизлик 32 нафар (36,7%), чарчоқ 37 нафар (72%) ва йўтал 13 нафар (25%) беморда кузатилган. Гуруҳлараро таққослашлардан маълум бўлдики, 1-гуруҳда умумий ҳолсизлик 37,5% ($p<0,01$), чарчоқ 16,2% ($p<0,05$) ва йўтал 37% ($p<0,01$) билан 2-гуруҳга нисбатан юқори бўлган (3-расм).



Илова : * $p<0,05$, ** $p<0,01$ гуруҳлараро ишонарли кўрсаткич.

3-расм. СЮЕ нинг клиник белгиларининг учраш частотаси (%)

1 ва 2-гуруҳларда ФС га боғлиқ бўлган СЮЕ нинг объектив белгиларини таҳлил қилиш жараёнида кўп йўналишлик мавжудлиги аниқланди, аммо беморларнинг 1- гуруҳида янада сезиларли суръатни кўриш мумкин. Масалан, СЮЕ нинг II ФС билан ҳасталанган беморларда жигар катталашини 9 нафар (17%, ($p<0,05$)), бўйин венаси бўртиши 7 нафар (13,5%, ($p<0,05$)), ўпкадаги хирриллалар 9 нафар (17%, ($p<0,01$)) ва оёқлардаги шишлар 4 нафар (8%) беморда қайд этилган. СЮЕ нинг III ФС да объектив маълумотлар янада сезиларли ўзгариши билан тавсифланди. Уларнинг 1- гуруҳ беморларида учраш частотаси 2- гуруҳ беморларига нисбатан фарқли бўлди. Масалан, жигар катталашини 75% (n= 39, ($p<0,01$)), бўйин венаси бўртиши 25% (n=13, ($p<0,05$)), ўпкадаги хирриллалар 79% (n=41, ($p< 0,01$)) ва оёқлардаги шишлар 40,4% (n=21 $p<0,05$) га тенг бўлса, 2- гуруҳда эса 29 (57%), 6 (12%), 36 (70,5%), 16 (31,0%) қийматларга эга бўлди. Иккала гуруҳ беморларда СЮЕ нинг ФС га

кўра клиник симптомларини тарқалиш даражасини баҳолаш натижалари СЮЕ нинг ФС юксалиши билан ҳасталикнинг клиник белгилари тарқалиши ортиб боради.

Таҳлил қилинган гуруҳларда қондаги азот оксиди (NO) даражасини баҳолаш натижалари барча гуруҳларда ушбу кўрсаткичнинг назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошганини кўрсатди. Энг юқори NO даражаси 1-гуруҳ беморларида аниқланди, энг паст ўртача қийматлар эса 2-гуруҳ беморларида қайд этилди. Эндотелиал NO синтаза (eNOS) даражаси ҳар икки гуруҳда ҳам меъёрдан сезиларли даражада паст бўлган. 1-гуруҳда эндотелиал NO синтаза даражаси назорат гуруҳига нисбатан 57,8% ($p < 0,001$) га пасайгани қайд этилган бўлса, 2-гуруҳда бу кўрсаткич 42% ($p < 0,01$) га паст бўлган. Шунингдек, 1-гуруҳ беморлари 2-гуруҳга нисбатан 16% ($p < 0,05$) га юқори даражада бўлган. Индуцирланган NO синтаза (iNOS) даражаси ҳар икки гуруҳда ҳам нормал қийматлардан юқори бўлган. 1-гуруҳдаги беморларда iNOS даражаси 2-гуруҳга нисбатан 35% ($p < 0,01$) га юқори кўрсаткичга эга бўлиб, энг сезиларли ўсиш қайд этилган. Пероксинитрит даражасини баҳолаш ҳар икки гуруҳда ҳам ушбу кўрсаткичнинг сезиларли ошганини кўрсатди.

2-жадвал

Беморларда азот оксиди тизими кўрсаткичлари таҳлили


Кўрсаткичлар	1-гуруҳ n=52	2-гуруҳ n=51	Соғлом гуруҳ
NO (мкмоль/л)	22,0±5,08****°	17±4,1**	10,7±2,1
eNOS (мкмоль/л)	6,6±2,2****°	8,1±2,3**	11,4±4,06
iNOS (мкмоль/л)	2,7±0,99****°°	2,1±0,7***	0,55±0,2
ONOO ⁻ (мкмоль/л)	0,5±0,3	0,4±0,2	0,17±0,1

Илова: ** $p < 0,01$, *** $p < 0,001$ назорат гуруҳига нисбатан, ° $p < 0,05$, °° $p < 0,01$ гуруҳлараро ишонарли фарк

